O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 1 сентябрь, чоршанба • № 70 (11.153) • Эркин нархда сотилади

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ САККИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало барчангизни энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг саккиз йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Аждодларимиз асрлар давомида орзу-умиди билан яшаган озодлик ва эркинлик даври халқимизга қанот бағишлади, унинг мудраб ётган салоҳияти ва куч-қудратини намоён этишга имкон берди.

Ҳеч шубҳасиз, шу қисқа вақт ичида Ўзбекистон тарихий бир масофани босиб ўтди.

Бунинг тасдиғи олдин ўзимизга тасаввур этишимиз ҳам қийин бўлган тараққиёт йўлида, ислоҳотлар йўлида, янгиланиш йўлида эришилган ютуқларимизда, кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда.

Аввало юртимиз, шаҳар ва қишлоқларимизнинг чеҳрасини тобора очиб бораётган қурилишларда, кенг ва равон йўлларда;

иқтисодий ва ижтимоий ривожимизга улкан ҳисса қўшаётган янги-янги тармоқ ва иншоотларда, замонавий технологиялар билан қуролланган йирик корхоналарда;

халқаро майдонда мустақил Ўзбекистон қўяётган қадамларда, унга нисбатан ҳурмат ва эътибор ўсиб бораётганида бундай ўзгаришларни яққол кўриш мумкин.

Бизнинг юксалиб бораётган куч-қудратимиз, салоҳиятимиз дунё спорт майдонида қўяётган, жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдираётган қадамларимизда ҳам намоён бўлмоқда.

Айтинглар, ўзингизга бир тасаввур қилинглар, азиз юртдошларим, узоқ Америка заминида куни кеча эришган ютуғимиз — бир йўла икки ўзбек паҳлавони — Ўткир Ҳайдаров ва Маҳамматқодир Абдуллаевлар миллатимиз, халқимиз куч ва маҳоратини кўрсатиб, бокс бўйича жаҳон чемпиони деган юксак унвонни қўлга киритганини бир неча йил олдин хаёлимизга келтириш ҳам қийин эди.

Амир Темур бобомизнинг чуқур маъно-мазмунли иборасини қўллаб: «Кимки бизнинг куч-қудратимизни билмоқчи бўлса, ўзбек паҳлавонларининг жаҳон спорт майдонларида эришган ютуқ-зафарларига эътибор берсин, англаб олсин», деб бугун баралла айтишимиз мумкин.

Бугун ҳаётимизда эришилган энг катта ютуғимиз, янгиланишнинг энг ёрқин намунаси — бу жамиятимизнинг мафкурасида, кенг омма дунёқарашида, юртимизда яшаётган барча инсонларнинг онгу шуурида, тафаккурида содир бўлаётган ижобий силжишлар, ўзгаришлардир.

Биз кеча ким эдиғу, бугун ким бўлдик?

Бугун биз эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, XXI асрга дадил қадам қўяётган буюк халқмиз.

Ота-боболаримизнинг ҳаётбахш ўгитлари, умумбашарий андозалар, юксак маънавий руҳ асосида бирлашган, янги эзгу мақсадларга интилган, ўз кучи ва салоҳиятига ишониб, аниқ ва равшан ислоҳотлар йўлидан бораётган халқмиз.

Бу — ҳақиқат. Бу ҳақиқатни ҳозиргача англамаган ёки англашни хоҳламайдиган, озодлигимизни, истиқлолимизни кўролмайдиган, ҳали-ҳануз хомхаёлда юрган баъзи бир ғаниларимиз эшитсин, қулоғига қуйиб олсин: Оллоҳ назари тушган эл-юртимизнинг олдинга юришига, тараққий топган, тўқ, эркин яшайдиган мамлакатлар қаторида тинч-тотув ҳаёт қуришига ҳеч ким ва ҳеч нарса тўсиқ бўлолмайди.

Азиз юртдошларим!

Биз адолатли ва маърифатли демократик жамият барпо этишни ўзимизга олий мақсад қилиб белгилаб олдик.

Буюк орзуларга етиш учун ҳали кўп-кўп меҳнат қилишимиз, кўп-кўп тўсиқ ва ғовларни енгиб ўтишимизга тўғри келади.

Бундай мақсадларга етиш учун барчамиз бутун борлиғимизни, Оллоҳ берган ақл-заковатимизни, куч-қудратимизни давлатимиз, миллатимиз манфаати учун, халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш учун сафарбар этишимиз керак.

Ҳар биримиз, Ватан менга нима берди, деб эмас, мен ўзим халқим, Ватаним учун, элюрт тараққиёти ва истиқболи учун нима қилмоқдаман, мустақиллигимизни мустаҳкам қилишга қандай ҳисса қўшмоқдаман, деган туйғу билан яшашга эришмоғимиз даркор.

Авваламбор бизнинг таянчимиз ва суянчимиз, умидимиз ва келажагимиз бўлмиш фарзандларимизни, ёш авлодимизни шу туйғу ва шу мақсад руҳида тарбиялашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Уларни миллий ва умуминсоний қадриятларимиз асосида, ўз фикру тафаккури ва замонавий билимга эга бўлган ватанпарварлар этиб вояга етказиш — барчамизнинг оталик ва оналик бурчимиздир.

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат — кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз — яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим.

Қадрли юртдошлар!

Бизнинг тараққий топган давлатлар, маърифатли дунё билан бирга яшашимиз, ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини кучайтиришимизни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Биз барча мақсад ва ютуқларимизнинг замини бўлмиш юртимиздаги тинчлик, осойишталик, барқарорликни кўз қорачиғидай асрашимиз, уни ён-атрофдаги қўшниларимиз, узоқ-яқин биродарларимиз билан биргаликда янада мустаҳкамлашимиз даркор.

Саккиз йиллик мустақил ҳаётимиз давомида кўп нарсага кўзимиз очилди, оқни қорадан, дўстни душмандан, муҳимни номуҳимдан ажратишга, кимга суяниш, нимага таяниш мумкинлигига ақлимиз етди.

Саккиз йиллик истиқлол йўли халқимизнинг иймонини янада бақувват, иродасини мустаҳкам қилди. Чеккан машаққатларимиз, қилган меҳнатларимиз ўз ижобий самарасини бера бошлади. Бу эса халқимизнинг танлаган йўлимиз тўғри эканига, эртанги кунимиз ёруғ бўлишига ишончини янада оширмоқда.

Азиз ватандошларим!

Мана шу ҳаяжонли ва қутлуғ дақиқаларда, шу юксак минбарда туриб, мустақиллигимиз ва ҳаётимиздаги янгиланиш ижодкори бўлмиш меҳнаткаш, бағрикенг, матонатли, ор-номусли халқимга таъзим қиламан.

Барчангизни истиқлол байрами, озодлик айёми билан яна бир бор қутлайман.

Ватанимизни, халқимизни, барчангизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга

МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ,

дунёдаги барча динлар виждон поклиги, одамийлик ва меҳру саҳоватни тарғиб этади, яхши ниятларни тилаб, эзгу мақсадлар сари бошлайди. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждон ва диний эркинлик ҳақида алоҳида қайд этилган.

Сиз олиб бораётган доно ички ва ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда Тошкент вилоятининг турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари сифатида Ватан туйғуси, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ва садоқат, унинг мустақиллигини асраб-авайлашда яқдил эканлигимизни изҳор этмоқчимиз. мана шу туйғу бизни сиз бошқараётган буюк Ўзбекистон байроғи остида янада жипслаштиради.

Ҳа, биз турли миллат ва динга қарашлилигимиздан қатъий назар, Ўзбекистон фарзандимиз. Ўзбекистоннинг қувонч ва ташвишлари бизга бегона эмас, мамлакатимиз келажагига бефарқ эмасмиз. Чунки биз шу юртда ўсиб вояга етдик, шу халқдан меҳру оқибат кўрдик. Фурсатдан фойдаланиб, республикамизнинг 8 йиллик мустақил тўйи муносабати билан сиздек юртпарвар ва элпарвар азиз инсонга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ғайрат ва шижоат тилаймиз.

А. ДУНГБОЕВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент вилоятидаги вакили,
Э. И. ЗАЙКОВ,
Ангрен шаҳридаги «Еттинчи кун адвентистлари» христиан черкови пастори.
Р. А. ЛИ,
Юқоричирчиқ туманидаги «Евангел христиан баптистлари» черкови пастори,
В. М. БИРЮКОВ,
Олмалиқ шаҳридаги «Успения божьей матери» православ черкови руҳонийси.



ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИНГ, ЎЗБЕКИСТОН

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллиги байрами тантаналари кенг нишонланди

ХАЛҚИМИЗНИНГ энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллик куни кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғуларига тўлдириб, ҳар бир хонадонга кириб бормоқда.

Истиқлол байрами биз учун улкан шодиёна ва айни чоғда ортимизга қараб, ўтган бир йил давомида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қиладиган, уларга муносиб баҳо берадиган кундир. Зеро, мамлакатимизда мустақилликнинг саккизинчи йилида қилинган ишлар, ўтказилган тадбирлар ҳақида баралла гапиришга ҳақлимиз.

Бу борада, энг аввало, буюк бобокалонларимиз Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг ўтган йил кузда нишонланган тавваллуд тўйларини айтиш жоиз. Бу юбилейлар республикамизда бой ўтмиш меросни, алломаларимиз ҳаёти ва ижодини, қадим анъаналарни ўрганишга, тарғиб этишга, ёшларимизни бу бебаҳо хазина асосида тарбиялашга нақадар катта эътибор берилаётганининг ҳақиқий ифодаси бўлди. Қорақалпоқ халқининг улуғ фарзанди Бердақ юбилейи ҳам ана шу силсиланинг бир бўғинидир.

Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон қўшиқ байрами бу йил ҳам том маънодаги оммавий санъат шодиёнаси сифатида нишонланди. Унинг доирасида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови эса, ҳар йилгидек, янги истеъдодлар кашф этилишига, она юртни васф этадиган, санъатга шайдо халқимизнинг руҳини янада кўтарадиган қўшиқлар яратилишига хизмат қилди.

Куни-кеча қадим Самарқандда якунланган «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали миллий санъат ҳамиша барҳаётлиги, ажиб ва сирли Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисми, бутун инсониятнинг бебаҳо мероси эканлигининг яна бир намойиши бўлди.

Истиқлолнинг саккизинчи йилида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида амалга оширилган ишлар ҳам асрларга татигулик.

Ўрта Осиёда ягона автобус заводи — «Самкочавто» қўшма корхонасининг ишга туширилиши бу ютуқларнинг энг йиригидир. Одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишдек хайрли мақсадда ташкил этилган корхонанинг мўъжаз автобуслари ҳозирдаёқ шаҳарларимиз кўчаларида кўзни қувнатиб юрибди. Бежирим, қулай, тезкор ва замонавий машиналардаги «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган ёзувни ўқиб, Ватанни севган ҳар бир инсоннинг кўнгли тоғдек кўтарилади.

Одамлар оғирини енгил қилиш каби эзгу мақсад Хўжаобод ер ости газ омборига ҳам хос. Бу — асрлар давомида ўтин ёқиб қозон қайнатган аёлларимиз учун улкан туҳфа. Газ омборининг фойдаланишга топширилиши билан нафақат бутун Фарғона водийсида газ таъминоти яхшиланди, балки хорижга ҳам «зангори олов»ни экспорт қилиш имкониятлари ортди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига мувофиқ мамлакатимиз шаҳар ва туманларида бунёд этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари истиқлол шарофати ила баркамол авлодни тарбиялаш йўлида қўйилаётган қадамлар самарасидир. Замонавий ўқув қўлланмалари ва ускуналари билан жиҳозланган бу таълим даргоҳларида келажагимиз бунёдкорлари таҳсил олмоқда.

Ўтган йил истиқлолимиз учун синов даври бўлди. 16 февралдаги мудҳиш воқеалар барчамизни ҳушёрликка ва огоҳликка, мамлакат тақдири учун бефарқ бўлмасликка чорлаб, Мустақиллик дунёдаги энг улуғ неъмат эканлигини, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш лозимлигини кўрсатди.

Халқимиз 1 сентябрь — Мустақиллик кунини ана шундай ютуқ ва сабоқлар билан кутиб олмоқда.

31 август, соат 19.30.

Ўзбекистоннинг бош майдони — Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Бу ерга республика ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари вакиллари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган элчихоналар раҳбарлари, «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг меҳмонлари ва қатнашчилари тўпланган. Улар Ўзбекистон Республикаси Президентини олқишлар билан кутиб оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 8 йиллигига бағишланган тантаналарнинг бошланиши ҳақида дарак берувчи садолар янграйди.

Байрам тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари улуғ ва муқаддас байрам билан бутун мамлакатимиз аҳлини қизғин табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижро этилади.

Улкан саҳнада энг улуғ, энг азиз байрамга бағишланган театрлашган томоша бошланади.

Янги авлод — Имом Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Улуғбек ва Навоийнинг набиралари — истиқлол фарзандларидир. Эрк ва озодлик ҳавосидан нафас олиб улғаяётган фарзандларимиз ўзининг мурғак қалбида туғилган орзулар ҳақида куйлайди. Чунки, мустақил Ватанимизда бу орзуларнинг рўёбга чиқиши учун барча шароит муҳайё. Яхши ният — ярим давлат дейди халқимиз. Ватанимиз чечакларининг пок ниятлари эса, албатта, амалга ошажак.

Саҳнада Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир сиймолари пайдо бўлади. Ҳур Ватан учун жонини қурбон айлаган, мустабид тузум даврида қатағонга учраб, номлари унутилаёзган халқ қаҳрамонлари истиқлолдан сўнг юртимизга қайтди. Уларнинг мислсиз жасорати, ўтмиш ва келажакдан, миллийлик ва ўзликдан сабоқ берувчи мероси халқимиз қалбидан мангу жой олди. Республикамиз ҳукуматининг мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори бунинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида халқимизнинг асл фарзандлари, она-юрт эркининг посбонлари хизмат қилади. Уларнинг саҳна бўйлаб шаҳдам қадамлар билан ўтишларини, юзларидаги ишонч ва мардонаворликни кўриб, бу йигитлар Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли ва масъулиятли вазифага сўнгги нафасларигача содиқ қолишларига амин бўласиз.

Саҳнага мамлакатимиз довруғини жаҳонга таратаётган спортчилар кириб келади. Ўзбекистонлик бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рискиев, олимпиада чемпиони Лина Черязова, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионлари Акобир, Тоштемир, Камол полвонлар, бошқа таниқли спортчиларимизнинг халқаро майдондаги ғалабалари ҳар бир ватандошимиз қалбида чексиз ғурур уйғотади. Зеро, ҳар бир муваффақият Алпомишлар юртининг қадим шуҳратини тиклашга ҳисса қўшади. Куни-кеча АҚШда ўтказилган жаҳон чемпионатида республикамиз боксчилари қўлга киритган олтин ва кумуш медаллар ҳам Ўзбекистон спорт мактаби улкан салоҳиятга эга эканлигининг исботидир.

Ўзбекистон санъатида Шарқу Ғарб маданияти уйғунлашган. Европа классик санъатининг юксак намуналари ўзбек санъаткорлари томонидан маромида ижро этилиб, ривожлантирилган. Республикамиз балет мактаби вакилларининг чиқишларида айнан шу ғоя ифода этилди.

Мамлакатимизда турли миллат ва элат вакилларининг эмин-эркин яшаши ҳам мустақиллик неъматидир. Ҳур Ватанимизда уларнинг миллий-маданий меросини ва тилини сақлаш, ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Байрам томошасида уларнинг қўшиқ ва рақслари ҳам халқлар дўстлигининг ҳақиқий намойишига айланиб кетди.

Анъанага кўра байрам тантаналаридан ўрин олган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган санъат усталари, ижрочи ёшларнинг куй ва қўшиқларида, фольклор-этнографик ансамбларнинг чиқишларида бой миллий санъатимизнинг бетакрор қирралари намоён бўлади.

Ўзбекистон эстрадасининг юлдузлари ва санъат оламига эндигина қадам қўйган ёш хонандаларнинг қўшиқларидаги асосий мавзу — Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачиғидек асраш туйғусидир. Шу боис ҳам, қўшиқлардан биридаги «Фидойинг бўлгаймиз сенинг, Ўзбекистон» сўзлари ҳар биримиз учун қадрдон ва айни пайтда долзарб. Улар бизни тупроғи олтин, суви зар шу юртимиз учун ҳар он жонни фидо айлашга чорлайди. Зеро, Ўзбекистондек серқуёш ва саховатли ўлкани бутун ҳаётда асло топиб бўлмагай!

Кўнгилларга шодлик ва сурур улашган байрам тантаналари ранг-баранг мушакбозлик билан якунланди.

Бехзод УСМОН,
ЎзА мухбири.

ҚАСИДА

Барот БОЙҚОБИЛОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

Мустақиллик — бу ҳуррият,
бу озодлик демакдир,
Бу — элу юрт осойиши,
бу — ободлик демакдир.
Истибдоднинг заҳмин чеккан
ўзбек учун бу байрам,
Энг улуғу, энг азизу
буюк шодлик демакдир.
Бу — муқаддас бир байрамдир,
таворихда тенги йўқ,
Истиқлолнинг қасрига бу —
бир бунёдлик демакдир.
Амир Темур замонидан
ўтиб қанча давронлар,
Яна қайтдик аслимизга,
бу — аждодлик демакдир.
Биз йўқотган эркимизга
мушарраф бўлдик яна,
Иншоолоҳ, бу улуғ бахт,
ҳур авлодлик демакдир.
Икки улуғ ҳайит бизга
азиз эди азалдан,
Мустақиллик ийди азиз,
умрбодлик демакдир.
Ҳурриятнинг қадрин билур
қул бўлиб ўсган киши,
Бизлар энди қул эмасмиз,
ҳур нажодлик демакдир.
Инсон зоти туғилганда
қуллик учун туғилмас,
Эркинликда яшаш азал
одамзодлик демакдир.
Ўзбекларни таъқиб этган
замонлар ўтиб кетди,
Келди озод бир авлодким,
бу зурёдлик демакдир.
Жумла жаҳон ичра биз ҳам
бир донишманд миллатмиз,
Билинг қадру қимматингиз,
руҳ ободлик демакдир.
Буюк Ватан жабҳасида
барча бўлсин фидойи,
Истиқлолни асранг, дўстлар,
бу — фидолик демакдир.
Мустақиллик — энг улуғу
энг азиз бахтдир бизга,
Шаън-шавкати бўлсин баланд,
бу — абадлик демакдир.
Кимнинг бўлса иймони пок —
билур Ватан қадрини,
Ҳурриятга жони фидо,
эътиқодлик демакдир.
Эркин асранг қарғ каби
аҳдда бўлинг устувор,
Қулликдан Сиз ҳазар қилинг,
бу — фарёдлик демакдир.
Элнинг азиз фарзандлари
буюк бўлган Ватанда,
Асли тоза бир улусмиз,
бу — покзодлик демакдир.
Озод Ватан — обод Ватан,
жаннатда ҳам топилмас,
Ватан хокин суринг кўзга,
бу — рўшнолик демакдир.
Мустақиллик ийди бизга
насиб қилсин то абад,
Иймони бор кишига бу
одамзодлик демакдир!

ИСТИҚЛОЛ — ИСТИҚБОЛ, ИСТИҚЛОЛ — ҚУЁШ,

ТАРОНА

МУСТАҚИЛЛИК! Сени қай сўз билан улуғласам экан асрлаб кутган эзгу куним!? Сени қай йўсинда жаҳонга кўз-кўзласам экан!? Сенинг берган иқболинг бахтингни қай бирини сўзласам экан!?

Истиқлол!

Бу йил юртимиз узра сенинг сарин шамолларинг эса бошлаганига саккиз йил тўлди. Шу саккиз йил мобайнида унут бўлаёзган миллий қадриятларимизни қайта кашф этдик. Ҳар бир удумимиз ҳаётга тадбиқ этилар экан, сенинг қадр-қимматингни яна ҳам теранроқ ҳис қиламиз. Сен қанчалар буюк маънавий неъмат эканлигингни юрак-юракдан сезамиз, ҳаққинга тавалло қиламиз!

Сен ўлкам узра қанот қоқишингни ўзи бўлгани йўқ, деб сўз бошлашади. Чиндан ҳам шундайми? Аслида сен миллионлаб юракларга ошён қурган эмасмидинг? Аслида сен бувиларимиз айтган алларда илк бор жамол кўрсатмаганмидинг? Аслида сен ўша Дукчи эшон, Пўлатхон, Намозларнинг табаррук қони билан она заминимизга сингмаганмидинг? Аслида сен озодлик рамзи бўлиб, муқаддас тупроғимда лолалардек бош кўтариб чиқмаганмидинг? Сенинг жамолингга интиқ кетган Абдулла Қодирий, Чўлпонларнинг кўксини юртимизнинг юксак нишони — Мустақиллик ордени безаб турибди. Озодлик деб урган қалблари бугун ором топаётганига шубҳа йўқ.

Сен деганларнинг сони йўқ, саноғи йўқ. Уларнинг хоки-поки олис йўлларда қолди. Лекин, руҳлари сен билан абадий бирга.

Неча-неча йиллар сен билар ҳар бир кунда, ҳар бир онда бирга нафас олдик. Бугун кечагидан кўра мустақиллик сўзининг маъносини пухтароқ чақиб турибмиз. Мустақиллик энг аввало бошимиз узра ҳилпираб турган миллий байроғимиз, мустақиллик — бу фахримиз бўлган миллий гербимиз, мустақиллик — бу ҳар тонг самовот бағрига охиста тараладиган миллий мадҳиямиз. Мустақиллик — ғурур, мустақиллик — сурур, мустақиллик — маънавият демакдир.

Мустақиллик бу энг аввало Аллоҳ берган буюк неъмат эканлигини ҳар биримиз англаб етдик. Яна англаб етдикки, қуёшга тош отмоқчи бўлганлар ҳам кўп экан. Лекин уларнинг сенга отган тошлари ўзларининг бошига халқ тавқи-лаънати бўлиб ёғилди.

Сени юртим қучоғида абадий қолмоғинг учун барча қиррангни кашф этмоғимиз, истиқлол сўзининг минг маъноси бўлса барчасини ҳар биримиз онгимизга омухта қилмоғимиз керак. Сенинг саккиз йиллигингни тантана қилиш учун Мустақиллик майдонига йиғилганлар буни чин юрагидан эътироф этажагига шубҳа йўқ.

Истиқлолим, сен бугун юракларимизга сингиб кетдинг. Сени илк бор ўзига ташналик билан жо этган вужуд, бугун саккизинчи йилда озодлиқ, ҳурлик дея ёнмоқда. Олов нигоҳлари билан янги нурли уфқларни кўзламоқда.

Истиқлолим, бу дунёда барча нарса ўткинчи, сен абадийсан. Ҳар йили асрларга татигулик саккиз йилнинг лаҳзалари мана шу абадиятнинг олтин ҳарфлар ила битилган зарварақларидир.

Истиқлолим! Сенинг музаффар одимларинг, нурафшон манзилларингни кўриб турибмиз. Қайноқ юрагимиз, меҳнаткаш билагимиз, ўзинг каби ёруғ тилагимиз — бари сенга бўлсин! Сенинг байроғинг устивор ҳилпирашига бахшида бўлсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.



ЛИЦЕЙ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

КЕЧАГИНА бу бир орзу эди. Ушалди. Мана, бугун у бўй-басти, салобати, кўрки билан шаҳар чиройига-чирой қўшиб турипти. Ўтган одам борки, бир зум бўлсада, ана шу кенг кулоч ёзган пурвикор кошонага маҳлиё бўлади.

Янгийўл шаҳрининг марказида мустақиллик меваси сифатида қад ростлаган бу ўқув масканининг номи: «Академик лицей». У ҳозирча вилоятда ягона. Эрта-индин бошқа ҳудудларда қуриладиган ўзи каби билим даргоҳлари учун айни андозалиги билан ҳам эътиборга лойиқ.

Академик лицей директори, техника фанлари номзоди Ҳуршида Раҳмонбердиева Тошкент Давлат техника университети қошида шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликдаги шартнома асосида бор-йўғи етти ой ичида бунёд этилган бу зиёхонанинг таржимаи ҳоли билан бизни қисқача таништирди:

— Шакли ҳам, мазмунан ҳам янгича қиёфа касб этган бу ўқув даргоҳида болалар ўрта мактабнинг тўққизинчи синфини битирганларидан кейин билим олишни давом эттирадилар. Улар учун бу ерда аниқ фанлар — физика, математика, табиий фанлар — химия, биология, ижтимоий фанлар — она тили адабиёт, тарих бўйича йўналишлар ташкил этилган. Қабул комиссиясига аризалар кўп бўлди. Абитуриентлар мактаблардаги қобилиятларига кўра ташхис марказлари берган йўлланма асосида тест синовларидан ўтдилар. Бу йил 250 нафар ўқувчига талабалик насиб қилди.

Дарслар жадвали олдида ана шундай толеи баланд йигит-қизлардан бир гуруҳини учратдик. Баҳодир Ўринбоев бу ерга Чиноз туманининг 42-мактабидан келибди. У аниқ фанлар йўналишини танлаганлигини айтди. Орзуси келажакда физик олим бўлиш экан. Янгийўл туманининг 31-мактабида тўққизинчи синфни битирган Муҳаббат Асанбоева эса «химияни жон-дилимдан севаман, шунинг учун табиий фанлар йўналишига ҳужжат топширган эдим, лицей талабаси бўлганимдан беҳад қувончдаман», деди. Вилоятимизнинг турли туманларидан келган Лазиз Ёқубов, Сардор Жалолов, Нилуфар Назировалар ҳам яратилган шарт-шароитлардан хурсанд.

Ўқув масканидаги моддий база чиндан ҳам ҳавас қиларли. Биргина мебеллар учун 78 миллион сўм сарфланди. Ўқув жиҳозлари, кўргазмали қуроллар, ҳамма-ҳаммаси замонавий. Бинодаги ёруғ, шинам 48 та хонанинг учтаси компьютерлар, 7таси лингофон қурилмалари учун ажратилган. Ҳар бир фан хонасига масъуллар тайинланган. Кутубхона, қироатхона, спорт зали, ўйин майдончалари, кийиниш, ювиниш хоналари, ошхона, маиший хизмат уйи, 300 ўринли ётоқхоналардаги қулайликлар билан танишган киши хаёлидан «ўқийдиган бўлсанг, шунақа жойда ўқисанг», деган фикр ўтиши табиий.

Ҳовлидаги хиёбонда усталар сузиш ҳавзаси ҳамда фавворалар қурилишини ниҳоясига етказмоқдалар.

— Ўқитувчи — кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилган бўлса керак? — сўрадик академик лицей раҳбаридан.

— Албатта, — деди у, — уларнинг аксарияти фан номзодлари, олий тоифали мутахассислардир. Бу борада биз Президентимизнинг таълим-тарбия самарадорлиги ўқитувчиларга бориб тақалади, деган сўзларини ҳамиша ёдда тутяпмиз. Чиндан ҳам чуқур билимли, малакали кадрлар бўлмаса энг замонавий жиҳозлар, ўқув воситалари, компьютерлар ҳам кутилган натижани бермайди.

Шу куни 4 минг квадрат метрдан иборат бўлган лицей биносини бунёд этган «Нарт-сервис» фирмаси бош маъмурияти раҳбари Алексей Югай билан ҳам суҳбатлашдик. У қурувчилар кечакундуз меҳнат қилганликлари, қисқа муддат ичида 260 миллион сўмлик иш бажарилганлиги, бу жараёнда вилоят, туман ҳокимликлари ҳамиша ёрдам кўрсатганликларидан мамнун бўлиб гапирди.

Яратилган бундай имкониятлар учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз, — деди хайрлашув чоғида ўқув маскани директори, — айни пайтда зиммамизда катта масъулият турганлигини ҳам ҳис этяпмиз. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридаги вазифаларни амалга ошириш йўлида куч ва ғайратимизни аямаймиз...

Вилоятда биринчи қалдирғоч — Академик лицей талабаларни ўз бағрига олди. Хали улар кўплаб очилади...

Саидвали ҲАСАНОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Таълим-тарбия, илм-фан соҳасида рўй бераётгани ўзгаришлар маънавият ва маърифат жабҳаларига янги мазмун бахш этмоқда.

Байрам арафасида вилоят бўйича 1та академик лицей, 8та касб-ҳунар коллежи, 6630 ўринли мактаблар ҳамда қўшимча синф хоналари фойдаланишга топширилганлиги фикримиз далилидир.

Дил изҳори

Тожиниса МИРҲОЛИҚОВА, Пскент туманидаги 7-сон ясли-боғча тарбиячиси, 1 даражали «Соғлом авлод учун» ордени нишондори

— Болалар ҳақида гап кетганида «Мустақилликнинг илк йилида туғилган бола саккиз ёшга тўлди», деймиз. Мана шу кўзи чақмоқ, ўзи қувноқ болалар юртимизнинг келажаги, эртаги кунимиз оғалари. Шунинг учун ҳам Ватанимизда тарбияга, таълимга, маърифатга жуда катта эътибор берилмоқда. Болаларимизга озод, обод Ватан қолдирмоқдамиз.

Соғлом авлод ўстириш ҳамиша халқимизнинг энг биринчи галдаги вазифаси бўлиб келган. Биз тарбиячилар ҳам болаларга меҳримизни, муҳаббатимизни улашамиз. Ишонамизки, эртага шу меҳрларимиз бир олам бўлиб қайтиб келади. Азиз болажонлар дейман, шу кутлуғ кунда, ҳамиша бахтимизга омон бўлинг. Биз эришолмаган довонларни сиз забт этинг.

Абдуғаффор УБАЙДУЛЛАЕВ, ангренлик кекса журналист, уруш ва меҳнат фахрийси

— Ёшим саксондан ошди. Қатағон йилларини ҳам, урушни ҳам, меҳнат жабҳаларини ҳам кўрдим. Кўрганларимни ҳикояларимда, қиссаларимда баҳоли қудрат акс эттиришга ҳаракат қилдим. Бахтим бор экан, истиқлол кунларини ҳам кўряпман, нашъасини суряпман. Не-не биродарларим бу кунларга етолмай кетишди. Бугунги шижоатни, бугунги шиддатни, бугунги интилишни кўриб, саксон ёшга кирган бўлсам ҳам худди йигитлардек қалам сургим келади. Юрагим илҳомга тўла. Хурсандлигимни, мустақилликдан миннатдорлигимни тўрт қатор шеъримда ифода қилақолай:

Мустақил давлатим
кўксида ғурур,
Унинг фидосиман,
содиқлик — шуур.
Байроғим ҳилпирар
кенг жаҳон узра,
Халқим қудратидан
сўзлайди масрур.

Шефиқе АБДУРАМАНОВА, меҳнат фахрийси

ҲА, ШУНДАЙ. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бизни Қримдан Ўзбекистонга кўчиришган. Ўз юртимиздан поездга «босишаётган»даги жабр-зулмни сиз сўраманг, мен айтмай. Ўзбек халқининг бағри осмондек, кенг, қуёшдек иссиқ экан. Ҳозирги Юнусобод туманидаги Абразив қўрғонига жойлашдик. Дастлабки кунларданоқ ўзбек қўшниларнинг меҳр-мурувватини ҳис этдим. Биров бир бурда нони билан, биров ширин сўзи билан ҳар биримизга илтифот кўрсатарди.

Мустақилликнинг қадрига, айниқса, мен етаман. Собиқ иттифоқ даврида ҳуқуқларимиз, юриш-туришларимиз бир неча йилларгача чекланди. Белгиланган манзилдан уёққа ўтолмасдик. Истиқлол бизга эрк ва қувонч берди. Кўпинча Қримдаги қариндошлар «качон кўчиб келасан», деб хат ёзишади. Уларга, азизлар, Ўзбекистон туғилган она юртимдай бўлиб қолган, ота-онам, қариндошларим шу Ватаннинг азиз тупроғига бош қўйишган, мен ўзбекистонликман, деб жавоб ёзаман.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Бадиий академияси мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишлаб ана шундай деб номланган республика кўргазмасини ташкил этди. Марказий кўргазмалар залига Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғона Тошкент вилоятлари ва бошқа минтақаларда ижод қилаётган рассом ва халқ усталарининг мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, замондошларимиз ҳаёти, тарихи ҳамда бугунги кун воқеаларига бағишланган олти юздан ортиқ рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, дизайн ва халқ амалий санъатига оид асарлари қўйилди.

Кўргазманинг 170 қатнашчиси орасида академик рассомлар, ҳайкалтарошлар, кулоллар, ёғоч ўймакорлиги усталари қаторида кўпгина ёш ижодкорларнинг асарларига ҳам кенг ўрин берилган.

(ЎзА).

«КАОЛИН» ШУҲРАТИ

Истиқлол байрами арафасида вилоятимизда бир қатор йирик иншоотлар фойдаланишга топширилди. Уларнинг орасида йилига 100 минг тонна каолинни қайта ишлаб, бойитиб бериш қувватига эга бўлган Ўзбекистон-Олмония ҳамкорлигида бунёд этилган «Каолин» қўшма корхонаси алоҳида ўрин тутади.

... Бу воқеага ўн йилдан ошди. Ўшанда хизмат юзасидан Ангрен керамика комбинатида бўлганимда, корхона раҳбарлари керамика ишлаб чиқариш учун зарур хомашёнинг ўзимизда катта заҳираси бўла туриб, уни четдан олиб келишаётгани, каолинни бойитадиган фабрика қуриш борасидаги уринишлари эса шўро замонида зое кетгани ҳақида куюниб гапирган эди.

Дарҳақиқат, Ангренда табиатнинг нодир бойликларидан бири каолинга бой йирик кон мавжуд. Бироқ ундан самарали фойдаланишга эътибор берилмади. Кўмир қазиб олиш жараёнида дуч келган табиий каолин эса чиқинди сифатида уйиб қўйилаверди. Бу ҳатто экологик вазиятга ҳам салбий таъсир кўрсата бошлаган эди.

Мустақиллик шарофати туфайли кончиларнинг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ Ангренда каолинни бойитиш фабрикаси қурила бошлади. Бу ишни Ўзбекистон — Олмония қўшма корхонаси ўз зиммасига олди. Мазкур иншоотни тиклашга бор-йўғи ўн бир ой вақт кифоя қилди.

Шу тариқа нафақат республикамизда, балки Ўрта Осиёда ҳам ягона ноёб корхона бунёд этилди. Бош муҳандис Мираъло Миротаевнинг айтишича, айни пайтда бу ерда икки хил — ҳам керамика, ҳам қоғоз саноати учун зарур каолин ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса керамика ва чинни буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини ривожлантиришга, қоғоз саноатида эса хомашё муаммосини ҳал этишга хизмат қилади. Негаки, бойитилган каолинсиз чинни буюмларни, қаттиқ ва ялтироқ қоғозларни тасаввур қилиш қийин. Каолин қўшилган керамика маҳсулоти, резина буюмлари, пластмасса ноёб хусусиятга эга бўлади. Қолаверса, турли бўёқ ва ўтга чидамли гишт ишлаб чиқариш, шунингдек, фармацевтика соҳасида ҳам каолиннинг ўрни беқиёсдир.

Бир сўз билан айтганда, қўшма корхона ишга тушиши туфайли мамлакатимизнинг бойитилган каолинга бўлган эҳтиёжини тўла қондирилиши билан бирга, бу қимматбаҳо маҳсулотни экспорт қилиш имконияти ҳам туғилди. Ҳозирдаёқ Эрон, Туркия, Япония каби мамлакатлардан буюртмалар олинди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: корхона диспетчери Александра Гасанова иш устида.

ТЎКИН-СОЧИНЛИК ШУНДА НАМОЁН

У ёки бу мамлакат халқларининг турмуш даражасини билай десанг, бозорини бориб кўр, деган нақл бор. Ҳар қандай юртда аҳолининг тўкин-сочин ёки ночор яшаётгани айнан бозорларда яққол акс этиб туради. Кўҳна тарих шоҳидки, Шарқ халқлари ҳамма замонларда ҳам бозорларга ўзгача кўз билан қараганлар, уни ризқ-рўз манбаларидан бири сифатида улуғлаганлар, обод этганлар.

Ушбу шарқона анъана хайрли удум сифатида ҳалиҳануз давом этиб келмоқда. Айниқса, мустақиллик йилларида Ўзбекистон бозорларини қайта қуриш ва ободонлаштиришга эътибор янада кучайди. Хусусан, пойтахт вилоятининг кўпгина туман ва шаҳарларида кейинги тўрт-беш йил ичида Шарқ меъморчилиги анъаналари услубида кўркам, барча қулайликларга эга «Деҳқон бозорлари» мажмуалари барпо этилдики, улар биринчидан, аҳоли истиқомат жойлари кўркига кўрк қўшган бўлса, иккинчидан захматкаш деҳқонларимиз учун турмуш фаровонлигини ошириш манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, вилоятимизда ўнлаб муҳташам бозорларнинг бунёдга келишида очиқ турдаги «Вилоятбозорсавдо» ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг хизмати беқиёсдир. Вилоят ҳокимлиги эса уюшма раҳбарияти бошлаган хайрли ишни қизғин қўллаб-қувватлади ва катта амалий ёрдам кўрсатди.

1996 йилдан буён Пскент, Бўка, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Тошкент, Паркент туманларида, Бекобод, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларида барпо этилган шарқона бозорлар ҳар сафар айнан мустақиллик байрамига совға сифатида қурилди ва байрам тантаналари арафасида ишга туширилди. Бу ишларга 320 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бугунги кунга келиб, вилоят бозорларидаги савдо ўринлари 20 мингдан ошди.



СУРАТДА: Чиноз туманида ишга туширилган янги бозорнинг умумий кўриниши.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

КЎПРИК ОЧИЛДИ

Байрам арафасида Тошкентнинг гавжум Қўйлиқ бозори яқинида Тошкент айланма йўлида эркин ҳаракат қилишни ҳамда пойтахтнинг Миробод, Ҳамза ва Бектемир туманларини Тошкент вилояти билан боғловчи автомобиль қатнови қулай бўлишини таъминлайдиган эстакадалик кўприк очилди.

Янги иншоот очилишида Бош вазир ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этиб, улкан иншоот лойиҳачилари ва қурувчиларини мустақиллик куни ва бу муҳим кўприкни шу сонли сана арафасида фойдаланишга топшираётганликлари билан табрикладилар.

Иншоот «Ўзавтойўл» концернининг «Ўзйўллойиҳа» институти лойиҳаси асосида қурилди. Бу иншоотни барпо этишга 28 ой вақт кетиши кўзда тутилган эди. Лекин Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва Ширин кўприкозларининг фидокорона меҳнати туфайли асосий ишлар тўрт ой ичида тугалланди. Пардозлаш ишлари ҳам қисқа муддатда бажарилди, бунинг устига, шаҳарни Бектемир туманидаги «Водник» уй-жой даҳаси билан туташтирадиган троллейбус линияси тортилди.

Янги кўприкнинг узунлиги 492 метрдан иборат бўлиб, шундан 335 метри эстакададан иборат. Эни 18 метрлик автомобиль йўлининг ҳар икки томонида пиёдалар учун йўлаклар бор. Кўприк остида пиёдалар ўтадиган туннель мавжуд. Иншоотнинг ишга туширилиши тошкентликлар ва мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти меҳмонлари учун муносиб байрам совғаси бўлди.

(ЎзА).

БАЙРАМИНГ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНДОШ!

МЕҲНАТНИНГ НОНИ ҲАМ, ШОНИ ҲАМ ШИРИН

СУРАТ ВА СИЙРАТ... Уни ҳар куни бир неча бор қўлимга оламан. Ёдимга тушди деганда, қўлим ўз-ўзидан суратга югураверади. Узоқ-узоқ тикиламан. Унда нималарнидир ўқигандек, уққандек бўламан. Бу — сурат эмас, сийрат гўё. Сиз ҳам яхшилаб қаранг-а. Пешона бироз тиришган, қошлар чимирилган, кўзлар қисилган, лаблар қимтилган. Нигоҳи эса олисолисларга қадалган.

Аслида, мухбиримиз у кишини тасвирга тушириб келаман, деб Паркентга, тўғрироғи Заркентга йўл олганида, ҳукумат берган мукофотдан беҳад қувониб, оғзининг таноби қочганча, чарақлаб кулиб турган оддий механизатор қиёфасини тасаввур қилган эдим. Бу сурат эса...

Қизиқ, шу туришда у нималарни ўйлаётганийкин? Ҳаётнинг учқур арғумоғи бу оддий меҳнаткаш инсонни қай томонларга олиб учди экан? Балки, туман учун ажратилган ягона мукофот юзлаб механизаторлар қолиб, ўзига насиб этганидан ҳайратга тушиб, «мен қаёқда-ю, ҳукумат мукофоти қаёқда» дея ўйлаётганмикин. Ёки камтар-камсуқумлигига бориб «ўзи бундай мукофотга лойиқманми мен» деб хижолат тортаётганмикин? Нима бўлганда ҳам у шу туришда ўйлаяпти, фикрлаяпти.

Тўғри, у механизаторлик қилаётган «Заркент» ширкатлар уюшмасида ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик яхши ривожланган. Рентабеллик юқори, даромадлар салмоқли. Хонадонларда тўкин-сочинлик. Бунда Абдуқаҳҳор Эргашевнинг ҳам ўзига яраша ҳиссаси бор. Чунки, у 28 йилдан бери механизаторлик қилади. Устахонада қорамойга, далада эса чанг-тўзонга ботиб ишлашнинг ўзи жасорат, фидойилик. Бироқ булар ўз йўлига. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида техника хизмати оқсаётгани сезилиб қоляпти. Тармоқни тубдан ислоҳ қилиш масаласи кун тартибда долзарб вазифа бўлиб турганда бу муаммони ҳал этишда Абдуқаҳҳор каби оддий механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнашлари керак. Чунки, бевосита ижрочи сифатида техниканинг жилови шулар қўлида. Юксак унум билан ишлатиш уларнинг маҳоратига боғлиқ. Техника шундай воситаки, унга жон қўйдириб қаралса, авайлаб асралса, узоқ йиллар беминнат хизмат қилади.

Камтарона меҳнати ҳукумат томонидан «Шуҳрат» медали билан тақдирланганидан кўнгли тоғдек кўтарилган Абдуқаҳҳор айни дамларда ана шу муаммоларни ҳал этиш ҳусусида ўйлаётган бўлса, ажаб эмас.

Самад ЙЎЛДОШ.

1999 йил — Аёллар йили

ОЙДИН ЧЕҲРАЛАР

ДУНЁДА етти ёшдан етмиш ёшгача баравар талпиниб яшайдиган бир зот бор. У зот — Аёлдир. Чиндан ҳам Аёл зоти бор экан — олам мунаввар бўлиб турaверади. Унинг ойдин чехрасидан таралган нур — меҳр-вафо; қўллари амалга оширган буюк юмуш — бешик — дунёни тебратиш; кўзларидан таралган шуъла — қуёш зарралари; лабларидан учган буюк қўшиқ — бу қўшиқни сайёрамизда олти миллиард одам бўлса, ҳаммаси эшитган — алла — Аллоҳнинг Аёлга берган буюк тақдиридир. Шу тақдир меваси бўлган одам боласи ҳамиша Аёлга талпинади.

АЁЛ! Сен тенги йўқ меъморсан! Меҳр-муҳаббат, садоқат ва саодат, диёнат ва иймон ришталари ила ҳеч бир бунёдкор қуролмаган иморатни тиклайсан. Бу иморат оила деб аталади. Оиланинг жон томири бўлган Аёл, сенга таъзим!

АЁЛ! Сен тенги йўқ бастакорсан! Етмиш икки томирингдан оқиб чиқувчи, жисми-жонинг ифодаси, рамзи бўлмиш қўшиқ яратасан. Ҳали ҳеч бир ҳофиз, ҳеч бир машшоқ бундай қўшиқ айтолмаган, бундай куй чалолмаган. Бу қўшиқнинг номи Алла. Шундай бебаҳо қўшиқ ижод этган, Аёл, сенга таъзим!

АЁЛ! Сен алла айтиб бешикни тебратасан. Бутун яхшилигингни бешикда ётган боланг — дунёнинг жон-танига, руҳи-равонига сингдирасан. Ҳа, у улғайиб, шу дунёни она деб атайди. Қулоғи остида ҳар лаҳза алланг оҳанглари жаранглаб туради. Яхшиликка, эзгуликка чақиради. Агар долғали шу жаҳон болага айланса-ю, сен уни бешикда тарбиялаб, аллангдан баҳраманд этсанг қани эди! Шунда барча қабоҳатларнинг илдизи қуриган бўлар эди. Миттигина бешикдан улкан дунё яратган Аёл, сенга таъзим!

АЁЛ! Сенинг қўлларингни кўзга суртаман. Болаликда шу қўллар бизга болиш бўлган. Шу қўллар ошу нон тутган. Шу қўллар юрт бошига уруш деган бало келганида кетмон чопган, ризқ-рўз яратган. Бугун ҳам қовжираб кетган қўлларни кўриб, шу қўлларнинг ширасси менинг томиримда, баданимда деб ўйламаган инсон инсон эмас. Қариса ҳам ўз тароватини, ўз муҳаббатини сақлаган мўъжизавий зот — Аёл, сенга таъзим!

АЁЛ! Она юртимиз истиқлолга эришган лаҳзадан бошлаб, сен мустақилликнинг абадияти йўлида фидойи бўлиб келяпсан. Деҳқон бўлиб, далада жавлон урясан. Дастгоҳ ёнида туриб, муҳаббатинг йўғрилган мато тўқияпсан. Сут булоғин тошираяпсан. Гоҳ Қизлархон, гоҳ Малика, гоҳ Феруза бўлиб, саҳнада ҳиром этиб, санъат қўшиғин куйлаб, қалбларимизга эзгулик, инсон уруғини сочяпсан. Китоблар тутиб, бизга зиё улашяпсан.

Вилоятимизда 2 миллион 327 минг аҳоли яшайдиган бўлса, шунинг 1 миллион 173 минг 800 нафари аёллар эканлигини кўпчилик билмаса керак. Уларнинг 543 минг 200 нафари ишлаб чиқаришда — жўшқин меҳнат қучоғидадир. 68 аёл эса шаҳар ва туманлар, уч нафар аёл вилоят Кенгашининг, икки нафари эса Олий Мажлис депутати эканини тилга олсак, аёлларнинг мавқеи ўсиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. 1495 аёл эса турли раҳбарлик лавозимларида — шу жумладан, қишлоқ хўжалигида 96, саноат соҳасида 187, халқ таълимида 806, соғлиқни сақлаш тизимида 178, нодавлат ташкилотларда эса 109 онахон ва опахонларнинг ишлаб тургани — оқила, доно аёллар фидойилигидан, ҳар соҳани уддалай олишидан далолатдир. 149 аёл олима, 981 аёл табиркорлик билан шуғулланаётгани, 10 мингга яқин аёл турли сиёсий партияларга аъзо эканини таъкидласак, юқоридаги сўзларимизни яна бир карра тасдиқлаган бўламиз.

Тилга олинган рақамлар фақат бизнинг вилоятимизга тааллуқли. Мабодо республикамиз бўйича ҳисоб қиладиган бўлсак, аёлларимиз нақадар катта куч эканлигини, бу куч ижтимоий ҳаётимизда буюк аҳамиятга эгалигини чин дилдан эътироф эта оламиз.

Йиллар жуда учқур. Аёлларнинг пойига нафақат йиллар, балки асрлар ҳам поёндоз бўлишни шараф деб билади. Йилларни жиловлаган Аёл, сенга таъзим!

Фаранг донишманди Буффлер: «Дунёда битта Аёл бор бўлса, унинг шаънига янги гап айтиш мумкин», деган экан. Муддаомиз сенга янги гап айтиш эмас, елкама-елка туриб, бахтимиздан ўргулган, оғиримизни енгил қилган, керак бўлса, умрини ҳам биздан дариғ тутмаган, сенга, муҳтарама Аёлга дил сўзларини айтишдир.

Онажонлар, опа-сингиллар! Истиқлол байрамида энг эзгу ниятимиз оёқларингиз остига майсадек тўкилсин. Барча орзу-армонларингиз ушалсин!

Голиб МИРЗО.

Дил изҳори

Любовь ЗАЙКОВА, Зангиота туманидаги «Нур» наслли тухум ва парранда ишлаб чиқаришга ихтисослашган акциядорлик жамияти бригада бошлиғи, «Дўстлик» ордени нишондори:

— ҲАЁТИМДАН мамнунман. Оддий бир инсон сифатида орзу қилган кўпгина истакларим рўёбга чиқяпти. Иқтисодий бақувват ва барқарор жамоада ўзимга яраша мустаҳкам иш жойи ва обрў-эътиборга эгаман. Турмушимда кам-кўст йўқ. Ҳар ойда кўлимга камида 15 минг сўм иш ҳақи оламан. Акцияларимга бериладиган дивиденд пуллари бу ҳисобга кирмайди. Хуллас, таъбир жоиз бўлса, оиламиз бюджети еб-ичишдан ташқари, орзу-ҳавасимиз учун ҳам етиб ортади.

Яқинда эса Мустақилликнинг саккиз йиллиги муносабати билан орденли ҳам бўлдим. Менга айнан «Дўстлик» орденининг берилишида рамзий маъно бор. Ўзбекистонимизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик республикамизда истиқомат қилаётган юзга яқин миллат вакиллари ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик туфайлидир.

Арслон ТОШТЕМИРОВ, Чиноз туманидаги С. Раҳимов номли ширкат хўжалиги сувчиси, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби:

— ОДДИЙ дала ишчиси бўлсамда, кейинги саккиз йил давомида онгимда, шууримда қандайдир руҳий, маънавий эврилишлар юз берганини ҳис этмоқдаман. Шуни англаб етдимки, Мустақиллик — бу инсон учун аввало, маънавий неъмат. Маънавияти бутун кишининг эса моддий ҳаёти ҳам мукаммал бўлиб боради. Бинобарин, Мустақиллик Ўзбекистон халқлари учун беқиёс моддий неъматга айланадиган кунлар яқин. Зеро, Юртбошимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деганларида мустақилликнинг ана шу шарофатини назарда тутганлари шубҳасиз.

Эшмурод ОБИДОВ, қибрайлик тадбиркор:

— ЯРАТГАНГА беадад шукрлар бўлсинки, фаровон яшаш мумкин бўлган кунларни кўришликни насиб этди. Мустақиллик ишбилармону тадбиркор учун кенг имконият эшикларини очиб берди. Ишнинг кўзини биладиган, меҳнатдан қочмайдиган кишилар жамиятда ўз ўрнини топиб, тўкин-сочин яшаяпти. Шуларнинг бири сифатида баъзан «Ким эдим-у, ким бўлдим?» дея ўйлаб қоламан. Шунда айримларнинг «Мустақиллик менга нима берди?» деган саволдан нарига ўтолмай юрганларини кўриб ажабланаман. «Сен ўзинг Мустақилликка нима бердинг?» дея сўрагим келади улардан.

Сирасини айтганда мустақиллик бизга имконият берди. Ундан қандай фойдаланиш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Мана мен тадбиркорлик орқасидан рўзғоримни бутлаб, кўпдан бери муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаб келяпман. Бундан ҳам кўнглим тўлмай, Мустақилликнинг саккиз йиллик байрамига атаб, Ёнариқ маҳалласига янги гузар мажмуини қуриб бердим. Унда чойхона, нонвойхона ва дўкондан тортиб саунаю биллиардхонагача бор. Хуллас, Мустақиллик менга бор салоҳиятимни ишга солиш имкониятини берди.

ҚИШЛОҚЛАР КЎРКИНИ КЎРИНГ

Мустақиллик халқимизнинг яна бир ноёб шижоатини кашф этди. Бу унинг бунёдкорлиги, яратувчанлиги, тадбиркорлиги ва савобли ишларидир. Эътибор беринг: 1999 йилнинг ўзида Тошкент вилоятида 163 км. газ, 42 км. ичимлик сув қувурлари хонадонларга етиб борди. 210 минг кв. метр янги уй-жойлар, 4та шифокорлик мажмуалари, 100га яқин маданий-маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчалари қуриб битказилди. Уларнинг аксарияти қишлоқ жойларида бунёд этилганлиги айниқса, диққатга сазовор.

Ана шундай ишга бел боғлаган «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси ҳам қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига хизмат кўрсатиш савиясини тубдан яхшилаш йўлида қатор хайрли тадбирларни амалга оширмоқда. Савдо ва умумий овқатланиш шахобчаларининг замон талаблари даражасида қайта таъмирланаётгани, янгилари бунёд этилаётгани бунга мисол бўла олади.

Вилоятда шу йилнинг ўзида бешта ана шундай дўкон фойдаланишга топширилди. Умуман, кейинги йилларда саксонта савдо шаҳобчаси бутунлай қайта таъмирланди, 45та янги дўкон ишга туширилди. Матлуботчилар мустақиллик байрамигача қишлоқ аҳолисига яна тўққизта ана шундай ўзига хос кўринишдаги савдо шаҳобчасини туҳфа қилишди.

Матлуботчилар қишлоқ аҳолисини кундалик зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан мунтазам таъминлаш, савдо пештахталарини тўлдириш борасида ҳам изланмоқда. Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, шу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида қишлоқ дўконлари орқали 47 минг 307 тонна ун, 315 тонна ўсимлик ёғи, 324 тонна шакар ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди. Истеъмол бозорини тўлдириш мақсадида марказлашмаган манбалардан 525 миллион сўмлик маҳсулот келтириб сотилди. Умумий товар айланмаси 3 миллиард 61 миллион 874 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб икки баравар кўп.

— Ишлаб чиқаришга ҳам катта эътибор беряпмиз, — дейди акциядорлик компания бошқаруви раиси Толибжон Тошпўлатов. — Матлуботчиларимизнинг саъй-ҳаракати билан савдо пештахталарига етказиб берилаётган нон, макарон ҳамда қандолат маҳсулотлари, шунингдек, яхна ичимликлар тобора кўпаймоқда. Бугунга келиб ўзимизда тайёрланаётган бундай харидоргир маҳсулотлар чакана савдо ҳажмининг учдан бирини ташкил этяпти.

Вилоятда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз ва тўла таъминлаш мақсадида тизимда янги ишлаб чиқариш тармоқлари ҳам жадал бунёд этилмоқда. Жумладан, «Қибрайнон» корхонаси яқинда болгариялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда суткасига уч тонна вафли тайёрлайдиган янги линияни ишга туширди. Зангиоталиклар ҳам қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ана шундай яна бир янги цехни фойдаланишга топширди. Йил бошидан буён ташкил этилган ишлаб чиқариш цехлари эса ҳозирга келиб ўн иккитага етди.

Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбирлар тобора чирой очиб бораётган қишлоқ дўконлари пештахталарининг яна ҳам тўкин бўлишига қаратилмоқда.

М.ФАТТОҲОВ.

ГУЗАР УЗРА НУР СУЗАР



«ГУЗАР» атамаси бундан бир неча йиллар муқаддам истеъмолдан чиқиб кетган эди. Мустақиллик шарофати билан кўп маъноли бу тушунча қайта туғилди. Зангиота туманидаги Назарбек маҳалла гузари ҳам ана шундайлар сирасига киради.

Маҳалла қўмитаси ташкил этилиб, унга Ҳайруллоҳожи Раҳматулло ўғли Саъдуллаев раис этиб тайинлангач, жойларни обод ва оромбахш этиш саъй-ҳаракатлари ўзгача тус олди. Айниқса, маҳалла қўмитаси атрофидаги ташландиқ ҳудуднинг келажаги ҳақида кўпроқ бош қотирилди.

Оқибатда, мазкур ерда маҳалла гузарини хашар йўли билан барпо этиш режаси тузилди.

Хайрли иш бошлангунча қийин, дейдилар. Биринчи пойдевор қўйилиши билан унга Ҳайруллоҳожи Саъдуллаев, Йўлдош Исмоилов, Карим Алимов сингари отаҳонлар бош-қош бўлдилар. Ҳар куни иш бошидан 50-60 кишилик гуруҳ ажрагани йўқ. Биров лой ишлари билан шуғулланса, кимдир ғишт теришга киришди. Кимдир ёғоч солиш андозаларини бажарса, кимдир безакка қўл урди. Қўқонлик Хўжақул, Тоҳиржон каби усталар, айниқса, жонбозлик кўрсатдилар. Собир ака, Абдуборий, Раҳимжон ва Маъмуржон Обидовлар каби маҳалла устазодалари ҳам қараб туришмади.

Орадан ўн тўрт ой ўтди. Чиройда ўзига хос жамол кашф этган мажмуа қад кўтарди. Қурилиш ишларида 25 миллион сўмдан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Эндиликда маънавият маркази, тиш даволаш манзили, сартарошхона, тиббий ёрдам пункти, новвойхона, 400 ўринли тўйхонани кўрган кишилар Назарбек маҳалласи аҳлига чин дилдан миннатдорчилик билдирмоқдалар.

...11 танобдан зиёдроқ жойни эгаллаган маҳалла гузари бугун ўта гавжум. Чунки, тўққиз миллат вакилларидан иборат 5 минг нафарга яқин аҳоли бугун бу ерда мустақиллик байрамини нишонламоқда. Бу ерга қўшни қишлоқлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюришган. Улар катта-кичикни янги гузар муборак, деб қутламоқдалар. Ҳа, шундай. Гузар узра нур сузмоқда. Бу мустақиллик, озодлик, эркинлик шуурининг боқий нуридир...

Абдураҳим УМАРБЕКОВ.

СУРАТЛАРДА: маҳалла фахрийлари Мелибойҳожи Тожибоев, Мирзараҳим ота Мирсултонов, Ҳайруллоҳожи Саъдуллаев, Неъмат Эшонқулов, Йўлдош Исмоиловлар янги гузар оғушида мириқиб чойхўрлик қилмоқдалар; (пастда) гузарнинг умумий кўриниши.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

«ШЕРАТОН-ТОШКЕНТ» МЕҲМОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

МУСТАҚИЛЛИК шарофати туфайли пойтахтимизда кўплаб янги корхоналар ва спорт иншоотлари, замонавий турар жой ва меҳмонхоналар, банк ва бошқа муассасалар қурилмоқда. Улар шаҳримиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Куни кеча яна бир улкан иншоот — «Шератон—Тошкент» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида очилган ушбу тўрт юлдузли мақомдаги жаҳон андозаларига мос бу шинам меҳмонхонада мижозлар учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонхонада битта тўрт хонали президент номери, еттита икки хонали люкс ва бошқа номерлар мавжуд. Айни вақтда иккита ресторан, иккита кафе-бар, шунингдек, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, ҳаммом, теннис кортидан иборат бўлган саломатлик мажмуи ҳамда бизнес марказ меҳмонлар хизматида бўлади.

Меҳмонхонанинг тантанали очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов сўзга чиқиб, янги меҳмонхона мамлакатимизда туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир қадам эканлигини таъкидлади.

ЎзА мухбири.

ГУЛ БАЙРАМИ

МАМЛАКАТИМИЗ истиқлолининг саккиз йиллиги муносабати билан Тошкентда илк бор «Гуллар байрами» ва гул мушоираси ўтказилди. Пойтахтнинг кўпгина туманлари, турли идора ва ташкилотлари ҳамда хусусий гулчилик фирмалари келтирган турфа гуллар сайлгоҳ кўчасига ўзгача чирой бахш этди.

Ҳозирги вақтда табиатни асраш, уни севиш, экологик ҳолатни яхшилаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Дунёнинг кўпгина ривожланган мамлакатларида шаҳарларнинг нафақат кўча ва хиёбонларида, балки ҳар бир уй ва хонадонда гул етиштириш ажойиб анъанага айланган. Тошкентдаги гул байрами ҳам аҳолини турли ўсимлик ва гулларни севиш, уларни парваришлашга рағбатлантириш мақсадида ўтказилди.

Бу ўзига хос гуллар кўрик-танловида Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими бошқармалари, республика болалар ижодиёти маркази гулчилари етиштирган анвойи гуллар энг яхши деб топилди. Ғолибларга совғалар топширилди.

Гул байрами тантаналари гул ҳақидаги шеърхонлик ва куй-қўшиқларга уланиб кетди.

О. НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

«ОЛМОС»ДА ЯНГРАГАН АЛЁР

ҚЎШИҚ ҳамиша дилларга ҳамроҳ бўлиб келган. Дарҳақиқат, биронта кунимизни қўшиқсиз тасаввур қилолмаймиз. «Ўзбекистон қўшиқ байрами» қўшиқлар кўрик-танлови, эстрада қўшиқчиларининг вилоят кўрик-танлови, яна талайгина бошқа тадбирлар яхши қўшиқ ҳаётимизга чуқур кириб бораётганидан гувоҳлик бериб турипти. Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» ўйингоҳида бўлиб ўтган иккала танлов ғолиблари ҳамда таниқли хонандалар, қизиқчилар иштирок этган гала-концерт фикримизнинг далилидир.

Мустақилликнинг саккиз йиллигига бағишланган ушбу катта қўшиқ байрамини вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов кириш сўзи билан очди. «Ҳар йили бўлиб ўтаётган танловларда янгиянги номларнинг кашф этилиши, янги-янги қўшиқларнинг яратилиши — бу истиқлолимиз берган шарофатдир, — деди ҳоким, — шунинг учун ҳам бугунги концертимизнинг мустақиллигимиз саккиз йиллигига бағишланишида катта рамзий маъно бор».

Шу куни «Олмос» ўйингоҳини тўлдирган қўшиқ шинавандалари чини билан ажойиб томошанинг гувоҳи бўлдилар. Гоҳ мумтоз, гоҳ она юртимизни улуғловчи шўх қўшиқлар янгради. Айниқса, бўкалик хонандалар Ориф Омонов, Зафар Расуловларнинг Ватан ҳақидаги хонишлари, қибрайлик Муҳайё Муҳамедованинг хоразмча қўшиғи, ангренлик опа-сингил Муборак ва Муҳаббат Абдураҳмоноваларнинг айтган мумтоз дил розлари ўтирганлар қалбига бир олам шукуҳ солди. Шунингдек, вилоят эстрада қўшиқлари танловининг ғолиби Дилноза Исмияминова саҳнада пайдо бўлганида йиғилганлар уни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. У ижро этган Тошкент ҳақидаги дилбар қўшиқ ажиб тантанавор пардаларда янгради. Паркентлик Рустам Худойқулов ҳам ўзининг санъатини намойиш этди.

Шу куни элимизнинг қалбидан жой олиб улгурган хушовоз хонанда Равшан Комилов санъат шайдоларига ўзининг янги қўшиқларини туҳфа қилди. Бахтиёр Султоновнинг «Маликам» қўшиғига бутун ўйингоҳ жўр бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли қизиқчи Обид Асомов шу куни байрам тадбирининг қаҳрамонига айланди. У ижро этган миниатюралар, хандалар пайтида бир зум бўлсин ўйингоҳ узра қаҳқаҳа тинмади. Вилоятимиз қўшиқсеварларига аллақачон суюкли бўлиб қолган Анвар Ғаниев ўзининг «Келинчак» сингари дилбар қўшиқларини туҳфа этди.

Ширинсўз сухандонлар Абдурасул Абдуллаев ҳамда Зулайҳо Қўзиевалар тадбирнинг поёнига етганини эълон қилганларида қуёш аллақачон уфқ ортига бош қўйган эди. Лекин, Ватан ҳақида, муҳаббат, меҳру-вафо, садоқат тўғрисидаги қўшиқлар ҳар бир шинаванданинг дилини шод этиб турар эди.

Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишланган қўшиқ байрами ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ҳамманинг чеҳрасида қувонч, кўзларида ёғду акс этар эди. Бу мустақиллик баҳш этган сурур ва нашиданинг ҳар бир юракка солган нашъу-намосининг акс садоси эди.

Темур ЙЎЛДОШЕВ.
СУРАТЛАРДА: концертдан лавҳалар.

Дил изҳори

НАЗИПА ЎНГАЛБОЕВА, Юқоричирчиқ туман қозоқ миллий маданият маркази кенгаши аъзоси:

— БАЙРАМ олдидан оиламиз билан Тошкентни томоша қилгани борган эдик. Телеминорада, Темурийлар давлати тарихи музейида бўлдик, Амир Темур ҳиёбони, Мустақиллик майдонини айландик. Навоий бобомизга ўрнатилган ёдгорликни зиёрат қилдик. Пойтахт чинакам чирой очибди.

Рўй берган ўзгаришларнинг ҳаммаси мустақиллик самараси сифатида яққол кўзга ташланиб турибди. Мен пенсионер ўқитувчиман. Кўрганларимни Ўзбекистоннинг истиқлол йиллари ичида эришган ютуқлари сифатида ўқувчиларим, фарзандларим, набираларим қалбига сингдиришга аҳд қилдим.

Ўнлаб миллатлар вакиллари тинч-тотув, дўст-иноқ яшаётган мамлакатимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин. Юртимиз бундан ҳам гуллаб яшнайверсин.

Жамила МАҲМУДОВА, Пскент туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси:

— ЯҚИНДА телевизор кўриб ўтириб ажойиб хушхабарнинг гувоҳи бўлдим. Таниқли ёзувчимиз Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» Америка Қўшма Штатларида қўйилибди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қалбим ҳаприқиб кетди. Ахир бу нафақат Ўзбекитонни, унинг адабиётининг ҳам жаҳонда тан олиниши-ку. Айни пайтда ёзувчимизнинг АҚШдаги таассуротларини ҳам диққат билан тингладим. У киши бу мамлакатда ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олинганликлари, гўзал шаҳарлар ҳақида мамнунлик билан гапирдилар. Бундан ўн йилгина аввал ёзувчимиз асарининг хорижда қўйилиши уёқда турсин, балки, АҚШни икки оғиз бўлса-да мақтай олмасди.

Энди-чи... Энди истиқлол шарофати билан таниляпмиз, бизни дунё таниляпти. Бу билан фахрланаман.

МУСИҚА БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

30 август куни кечқурун Самарқанднинг Регистон майдони «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари, меҳмонлар, мусиқа шайдолари, санъат мухлислари билан яна гавжум бўлди.

Республика Бош вазири ўринбосари, «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Ҳамидулла Кароматов, халқаро танлов ҳайъати раиси, Токио университети профессори Харума Кашиба хоним томошабинларнинг олқишлари остида ғолибларга махсус совринларни топширди.

Ўзбекистонлик Насиба Сатторова энг олий мукофот — гран-прига сазовор бўлди. Юн Конг Сон (Корея) ва Муҳаммад Омон (Саудия Арабистони) биринчи даражали мукофот билан тақдирланди. Иккинчи даражали мукофот Жаспиндер Нарула Ханум (Ҳиндистон) ва «Лашари» гуруҳи (Грузия)га насиб этди. Покистонлик Устад Али Ҳамидхон ва Устад Фатеҳ Алихон, шунингдек тожикистонлик Олим Бобоев учинчи даражали мукофотга сазовор бўлди.

«Шарқ тароналари» халқаро фестиваль танлови қатнашчилари бир қатор махсус мукофотлар билан ҳам тақдирланди. Жумладан, ЮНЕСКОнинг махсус мукофоти ҳамюртларимиз Ўлмас Саиджонов ва Абдуҳошим Исмоиловга, жюрининг махсус мукофоти туркманистонлик Язмурат Чопонов ва украиналик Елена Куликка, ЮНЕСКО ва «Сони» фирмаси мукофоти фестиваль режиссёри Баходир Йўлдошевга берилди. Анжуман иштирокчиларига мамлакатимиз вазирликлари, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларининг, Самарқанд вилояти ва шаҳри ҳокимликларининг эсдалик совғалари топширилди.

Фестиваль қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти номига миннатдорлик мактуби йўлладилар.

Ҳ. ШУКУРОВ, ЎзА мухбири.

*СПОРТ * *СПОРТ * *СПОРТ * *СПОРТ *

ЎЗБЕКИСТОН БОКСЧИЛАРИ МУВАФФАҚИЯТИ

Американинг Хьюстон шаҳрида бокс бўйича Х жаҳон чемпионати нихоясига етди. Унда 83 мамлакатдан келган энг кучли спортчилар иштирок этди. Ўзбекистондан эса 12 спортчи қатнашди.

— 1974 йилда Гаванада бўлиб, ўтган дастлабки жаҳон чемпионатида ўзбек боксчиси Руфат Рисқиев биринчи жаҳон чемпиони бўлган эди. Йигирма йилдан сўнг Хьюстон шаҳрида Ўзбекистон вакили — Ўткирбек Хайдаров Руфатнинг муваффақиятини такрорлади, — дейди Ўзбекистон бокс федерациясининг бош котиби Алишер Қодиров. — Ўткирбек ҳам Руфат Рисқиев каби кучли рақиблари устидан ғалаба қозониб, вазни 75 килограммгача бўлган боксчилар тоифасида чемпион бўлди.

Финалда яна бир ўзбекистонлик боксчи — Муҳаммадқодир Абдуллаев ажойиб ғалабага эришиб, 63,5 килограмм вазнли спортчилар орасида олтин медални қўлга киритди. 57 килограмм вазнли спортчилар тоифасида иштирок этган Тўлқин Турғунов кумуш соврин эгаси бўлди.

Хьюстонда ўтган Х жаҳон чемпионатида умумкоманда ҳисобида АҚШ ва Куба терма командаларидан кейинги учинчи ўринни эгаллаган ўзбек боксчиларининг муваффақияти 2000 йилда Сиднейда бўладиган Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришишга жиддий асос бўлади.

Ўзбекистон боксчилари Хьюстондаги Х жаҳон чемпионатидаги муваффақиятларини мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллигига бағишламоқдалар.

(ЎзА).

O'ZBEKISTON 1999 CHEMPIONATI

ЎЙИН ДЕГАН ШУНДАЙ БЎЛСА...

СЎЗСИЗ, 20-турда чемпионат пешқадамлари «Дўстлик» ва «Самарқанд» учрашуви турнинг марказий ўйини, деб кутилган эди. Шундай бўлди ҳам. Биринчи даврада самарқандликларга ўйинни 3:4 ҳисобида бой берган «Дўстлик» жамоаси жавоб учрашувига алоҳида тайёргарлик кўрди.

Буни ўйиннинг бошланишиёқ яққол кўрсатди. Майдон эгалари саккизинчи дақиқадаёқ тўп киритиш имкониятига эга бўлдилар. Бироқ Ойбек Усмонхўжаев 11 метрли жарима тўпини дарвозага кирита олмади.

Шунга қарамай, майдон эгалари ҳужумга янада зўр бердилар ва 10-дақиқада Мухтор Курбоновнинг ўзи тўпни дарвозага аниқ йўллаб, ҳисобни очди. Орадан олти дақиқа ўтгач Алишер Бозоров узоқ масофадан «Самарқанд» дарвозасини аниқ нишонга олиб, ҳисобни 2:0га ўзгартирди. 20-дақиқада Ойбек Усмонхўжаев чемпионатдаги ўзининг 22-тўпини киритиб, ҳисобни 3:0га етказди. Йирик ҳисобда устунлик қилаётган майдон эгалари ҳужумни бўшаштирмадилар ва 37-дақиқада Абдуқаҳҳор Маъруфалиев меҳмонлар дарвозасига тўртинчи тўпни йўллади.

Учрашувнинг сўнгги дақиқаларидагина қарши ҳужум уюштирган меҳмонлар битта жавоб тўпини (Равшан Бозоров, 87-дақиқа) киритишга муваффақ бўлдилар. Қизиқарли ўтган учрашувда майдон эгалари 4:1 ҳисобида биринчи даврадаги мағлубият аламини олдилар. Энди улар 43 очко билан жадвалда ягона пешқадам бўлиб қолдилар. «Самарқанд»да 40 очко бор.

Мамлакатнинг тўрт карра чемпиони «Нефтчи» Қаршида «Насаф»ни 1:0 ҳисобида мағлуб этиб, ўз очколари сонини 39тага етказиб олди. «Хоразм» ўз майдонида «Трактор»ни қабул қилди. Ўйин 0:0 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди. Худди шундай ҳисоб жадвалнинг сўнгги поғоналарини эгаллаб турган «Сурхон» ва «Янгиер» учрашувларида ҳам қайд этилди. «Сўғдиёна» эса «Металлург» билан 3:3 ҳисобида жанговар дурангга эришди. «Андижон» ўз майдонида «Темирйўлчи»ни қабул қилиб, 2:0 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритди.

* * *

Кеча Фарғонада футбол бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун СУПЕРКУБОК ўйини ўтказилди. Унда 1998 йилги Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» (Тошкент) ва республика кубоги эгаси «Навбаҳор» (Наманган) жамоалари учрашдилар. Қизиқарли ўтган бу ўйинда наманганликлар «Пахтакор» дарвозасига 4та тўп киритиб, ўз дарвозаларидан иккита тўп ўтказиб юбордилар. Наманганликлардан Шуҳрат Раҳмонкулов, Леонид Кошелев (икки), Саид Турсунов тўп муаллифлари бўлсалар, «Пахтакор»дан иккала тўпни Александр Акопянц киритди.

Шундай қилиб, «Навбаҳор» суперкубок совриндори бўлди.

Талъат ЮСУПОВ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 1-5 сентябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим туманларда ёғингарчилик бўлиб, ҳарорат кечалари 16-21, кундуз кунлари 30-35 даражадан 25 даражагача пасайиши мумкин.

«ТОШВИЛОЯТАВТОТЕХХИЗМАТ»
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Азиз ватандошларимизни энг буюк айём — Мустақиллик байрами билан чин қалбдан муборакбод этади!



Истиқлол ҳар бир хонадонга тинчлик, файз-барака, равнақ олиб келсин. Биз озод юртимизнинг матонатли халқига хизмат қилаётганимиздан беҳад шодмиз. Юртдошларимизни байрам билан қутлар эканмиз, Ватанимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлишини, халқимизнинг фаровон яшашини тилаймиз.

Эришган ғалабаларимизга асло кўз тегмасин!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0714. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 19.15. 1 2 3 4 5 6